

403 - وَعَنْ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: بَعَثَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الْحُرْقَةِ مِنْ جُهَيْنَةَ، فَصَبَّحْنَا الْقَوْمَ فِيهِمْ مَنَاهُمْ [1]، وَلَحِقْتُ أَنَا وَرَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ رَجُلًا مِنْهُمْ، فَلَمَّا غَشِيَّنَا قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فَكَفَّ عَنْهُ الْأَنْصَارِيُّ، وَطَعَنَتْهُ بِرُمْحِي حَتَّى قَتَلَهُ، فَلَمَّا قَدِمْنَا بِلَعْ ذَلِكَ النَّبَيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ لِي: «يَا أُسَامَةُ، أَقْتَلْتَهُ بَعْدَ مَا قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟!» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّمَا كَانَ مُنْعَوِّذًا، قَالَ: «أَقْتَلْتَهُ بَعْدَ مَا قَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ؟!» فَمَا زَالَ يُكَرِّرُهَا عَلَيَّ حَتَّى تَمَنَّيْتُ أَيِّ مَمْكُنٌ أَسْلَمْتُ قَبْلَ ذَلِكَ الْيَوْمِ. مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 6872، م 159].

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَقَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَقَتَلْتُهُ؟!» قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّمَا قَاتَلَهَا حَوْفًا مِنَ السَّلَاحِ، قَالَ: «أَفَلَا شَفَقْتَ عَنْ قُلْبِهِ حَتَّى تَعْلَمَ أَقَاتَهَا أَمْ لَا؟!» فَمَا زَالَ يُكَرِّرُهَا عَلَيَّ حَتَّى تَمَنَّيْتُ أَيِّ مَمْكُنٌ أَسْلَمْتُ يَوْمَئِذٍ [م 96].

«الْحُرْقَةُ» يَضْمِنُ الْحَاءِ الْمُهْمَلَةِ وَفَتْحَ الرَّاءِ: بَطْنُ مِنْ جُهَيْنَةَ الْقَبِيلَةِ الْمَعْرُوفَةِ، وَقَوْلُهُ: «مُنْعَوِّذًا»: أَيْ: مُعْنَصِمًا بِهَا مِنَ القَتْلِ لَا مُعْتَقِدًا لَهَا.

403. Усома ибн Зайддан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни Жұхайна қабиласининг

Хурақо уруғи устига юбордилар. Биз у қавмга тонгда ҳужум қилдик ва уларни енгдик. Мен бир ансорий билан улардан бирининг кетидан етиб олдим. Биз уни курсаб олган эдик, у «Лаа илааҳа иллаллоҳ!» деди. Ансорий ўзини тўхтатиб қолди, аммо мен найзамни санчиб, уни ўлдириб қўйдим.

Қайтиб келганимизда бу хабар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борди. У зот менга: «**Ҳой Усома! «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганидан кейин ҳам уни ўлдиридингми?**» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, у кутулиб қолмоқчи эди, холос», дедим. У зот яна: «**Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганидан кейин ҳам уни ўлдиридингми?**» дедилар. У зот буни менга қайта-қайта такрорлайвердилар, ҳатто қанийди ўша кунгача мусулмон бўлмаган бўлсам, деб орзу қилиб қолдим».

Муттафақун алаиҳ.

Бошқа ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**У «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деса ҳам уни ўлдиридингми?**» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, у буни қуролдан қўрқиб айтди, холос», дедим. У зот: «**Қалбини ёриб кўрдингмики, шунинг учун айтган-айтмаганини билсанг?**» дедилар ва буни такрорлайвердилар, ҳатто мен Исломга ўша куни кирган бўлсам эди, деб орзу қилдим».

Шарҳ: Ибн Исҳоқнинг ривоятида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келганимизда хабар бердик. Шунда у зот:

«Эй Усома! «Лаа илааҳа иллаллоҳу»дан кейин сенга ким шафоат беради?!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, уни ўлимдан қутулиш учунгина айтди», дедим.

«Эй Усома! «Лаа илааҳа иллаллоҳу»дан кейин сенга ким шафоат беради?!» дедилар.

У зотни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, менга ўша гапларни қайта-қайта такрорлайвергандаридан «Олдин ўтган Исломим бўлмаса эди, Исломга бугун кирган бўлсаму, уни қатл қилмасам эди», деб орзу қилдим ва:

«Аллоҳга аҳд бериб айтаманки, энди ҳеч ҳам «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни айтган одамни қатл қилмайман!» дедим.

«Мендан кейин ҳам-а?» дедилар у зот.

«Сиздан кейин ҳам», дедим».

Ха, ўшанды Усома ибн Зайд розияллоху анху учун бир умрга етиб, ортадиган набавий дарс берилган эди. Усома ибн Зайд розияллоху анху ушбу дарсни умр бўйи унутмадилар ва «Лаа илаха иллаллоху»ни айтган бирор кишига ёмонликни раво кўрмадилар.

Энди Усома ибн Зайд розияллоху анхуга берилган иккинчи набавий дарсга бир назар ташлайлик.

Имом Бухорий, Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху, Термизий, Аҳмад ва Насаййлар шундай ривоят қиласидилар:

«Ўғрилик қилган маҳзумиялик бир аёлнинг ҳоли қурайшликларни ташвишга солди. Улар:

«У ҳақда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга ким гапиради?» дейишиди.

Кейин: «У зотга Усома – Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг маҳбубидан бошқа ким ҳам журъат қила олар эди?!» дейишиди.

Бас, Усома у зотга бу ҳақда гапирди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга:

«Аллоҳнинг ҳаддларидан бирида шафоатчилик қиласанми?!» дедилар.

Сўнгра туриб, хутба қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, сиздан олдин ўтганларнинг ҳалок бўлишлари ичларида шарифлари ўғрилик қилса, қўйиб юбориб, заифлари ўғрилик қилса, унга ҳаддни қоим қилишлари сабабидандир. Аллоҳ номи билан қасамки, агар Фотима бинти Муҳаммад ўғрилик қилса ҳам, албатта, унинг кўлини кесурман!» дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Сўнгра ҳалиги аёл ҳақида амр қилдилар. Унинг қўли кесилди», дейилган».

Ўғрилик қилган аёлнинг исми Фотима бинти ал-Асвад ал-Махзумия бўлиб, у машхур Қурайш қабиласининг Бани Махзум уруғидан бўлган.

Қурайшликлар ўз обрўларини сақлаб қолиш учун воситачилик қилиб бўлса ҳам, жиноятчини жазодан қутқариб қолиш одатини бу ерда ҳам ишга солмоқчи бўлиб, воситачи излашган.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳбублари, яъни эркатойлари бўлганлиги учун у зот унинг гапини қабул қилишларини яхши билишган.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу ҳақиқатдан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч ким гапира олмайдиган гапларни гапира олишга журъати бор одам бўлганлар. Шунинг учун ҳам қурайшликлар у кишидан воситачиликни сўрашганда, дарҳол ўртага тушганлар. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақнинг олдида ҳеч нарсага эътибор бермас эдилар.

Аллоҳ таоло белгилаб қўйган жазо - ҳадд тўғрисидаги иш ҳокимга етиб борганидан кейин афв этилмайди. Агар ҳоким Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўzlари бўлсалар ҳам, бу қоида ўз кучида қолаверади.

Ана шу тарзда Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан яна бир набавий дарс олдилар. Бу дарс ҳам бир умрга етарли дарс бўлди. Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу шундан сўнг умрларининг охиригача Аллоҳ таолонинг ҳаддларида ўртага тушиб, воситачилик қилмадилар.

.«Ҳаддлариниң охиригачаси» : Ҳадис Ҳадис [1]

Манба: hadis.islom.uz

